



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 17 ЯНВАРЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 12 (12.573)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида мамлакатимизда мебелсозлик ривожига қаратилаётган юксак эътибор самарасида замонавий корхоналарда ишлаб чиқарилаётган сифатли ва бежирим уй-рўзгор, ошхона, офис, мактаб мебеллари ички бозордан мустаҳкам ўрин эгалламакда. Уларга аҳоли талабининг кун сайин ортиб бораётгани халқимизнинг турмуш фаровонлиги ошаётганидан далолатдир.



ХОНАДОНИМИЗ КЎРКИ ВА ФАЙЗИ

Ҳозир мамлакатимизда мингдан ортиқ мебел корхонаси фаолият юритмокда. Улардан бири – «Garant mebel» масъулияти чекланган жамияти 2004 йилда Тошкент шаҳрида иш бошлаган. Айни пайтда етмиш нафарга яқин ишчи меҳнат қилаётган корхонада қарийб 150 турдаги ётоқхона, меҳмонхона, болалар хоналари, офис ва таълим масканлари учун мебеллар тайёрланадими.

Мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилаётган кенг имкониятлар фаолиятимизни янада кенгайтиришида муҳим омил бўлаётди, – дейди корхона раҳбари Олим Мухамедов. – Ўтган йили «Ипак йули» банки Яққасарой филиалидан олинган 370 миллион сўм кредит эвазига хориждан замонавий технология харид қилдик. Мазкур технология ёрдамида темир ва металл бўюмларга мўлжалланган қуруқ бўёқ ҳамда ётоқхона жиҳозларининг янги турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Корхонада тобора кучайиб бораётган рақобат шароитида маҳсулотлар сифати-

ни ошириш ва дизайнини янада такомиллаштириш билан бирга, харидор учун мақбул нархни тақлиф этишга алоҳида эътибор қаратилмокда. Бунда паролон, мато, ёғоч каби бир неча турдаги хомашё ички бозордан харид қилинаётгани, корхона цехларига тежамкор технологиялар ўрнатилгани қўл келмокда. Барча маҳсулот сифат стандартидан ўтган. Мебелларга бир йилгача кафолат берилади.

2013 йили корхонада 3 миллиард сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқарилди. Корхона қошида иккита дўкан фаолият юритмокда.

2012 йилда корхонага йигирмага яқин касб-хунар коллежи битирувчиси ишга олинган. – Коллежда чилангарлик йўналишида таълим олган эдим, – дейди Хамза қурилиш касб-хунар коллежи битирувчиси Ҳасан Алиев. – Корхонамизда тайёрланаётган маҳсулотларда менинг ҳам ҳиссам борлигидан хурсандман. Энди усталадан дурадгорликни ҳам ўрганмокдаман.

Буларнинг самарасида Олим Мухамедов «Ташаббус» қўриқ-танловининг Яққасарой тумани бўлишида «Ёшларга иш берган энг яхши тадбиркор» номинацияси ёлиби бўлди. Бундан ташқари, «Garant mebel» корхонаси сифатли маҳсулотлари билан қатор кўрғазма ва ярмаркаларда муваффақиятли иштирок этиб келаётди.

Ҳа, мустақиллик туфайли мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоғида барқарор ўсишга эришилмокда. Бунинг самарасида мебел ишлаб чиқарувчи корхоналаримиз тақлиф қилаётган кенг турдаги юқори сифатли, бежирим ва кўркам маҳсулотлар халқимизнинг ҳаёт сифатини тобора юксалтириб, хонадонларимизга қулайлик, шинамлик ва гўзаллик бахш этмокда. Муҳими, маҳаллий маҳсулотлар хариди билан юртимизда янги-янги иш ўринлари яратилаётди, ишлаб чиқариш ҳажми ва қўлами ошиб бормокда.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

Козим Ўлмасов олган суратлар

Буюк Британияда нашр этиладиган, тўқимачилик соҳасини ёритиш бўйича дунёга машҳур «Selvedge» журналида «Ўзбекистонда ипакли абрбанд ишлаб чиқаришининг тикланиши» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда табиий бўёқлардан фойдаланилган ҳолда, миллий мато тайёрлашнинг кўп асрлик ноёб аънаналари ҳақида ёзилади.

«SELVEDGE» ЖУРНАЛИ ЎЗБЕК ИПАК МАТОЛАРИ ТАЙЁРЛАНИШИНИНГ НОЁБ АЪНАНАЛАРИ ҲАҚИДА

Мақолада кўна газламалардан бири – «Абрбанд» номи билан машҳур мато ишлаб чиқарилишининг тарихига оид тафсилотлар қаламга олинган. Айрим манбаларда қайд этилишича, Ўзбекистонда «Абрбанд» деб номланган бу матонинг атамаси Малайзия ва Индонезия халқлари тилидаги «икат» (E-kat)ни англатади.

Бугунги кунда XIX-XX асрларда ишлаб чиқарилган бундай матоларнинг ноёб намуналарини жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари музейлари ва хусусий санъат асарлари тўғламларида, жумладан, АҚШдаги Саклер галереяси, Дрезден (Германия), Лувр (Франция) музейлари, Москва Шарқ халқлари санъати музейи ҳамда бошқа коллекцияларда учратиш мумкин. Мақола муаллифи, санъатшунос Филиппа Воткинс абрбанднинг ҳар хил турлари мавжуд эканлиги ҳақида тўхталар экан, адрас, атлас, хонатлас деб аталадиган энгил ипак матолар донги бутун дунёга кетганини алоҳида таъкидлайди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Нукусда ишлаб чиқариш ускуналари ҳамда техникаларини сотиб олишни лизинг асосида молиялаштириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари, соҳа мутахассислари иштирок этган тадбирда хориждан замонавий техника ва технологиялар келтириш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда воқеага компанияларнинг ўрни ва аҳамияти хусусида атрофлича сўз юритилди.

• «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бекобод шаҳар кенгашининг навбатдаги VI конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бекобод шаҳар кенгаши ва назорат-тафтиш комиссиясининг ўтган давридаги фаолияти юзасидан ҳисоботи ва Соғлом бола йили муносабати билан амалга оширилиши кўзда тутилган режалар муҳокама этилди.

• Шахрисабз туманидаги «Дон – халқ ризи» ОХЖ қошидаги «Покиза нон» шўъба корхонаси янги йилнинг дастлабки кунларидан қолипчи жавдар нон ишлаб чиқаришга киришди. Бу парhezда бўлган айрим ҳамюртларимиз учун айни муддао бўлди.

• Қашқадарё вилояти Деҳқонбод туманининг Қорашина кўрғонида муҳташам супермаркет биноси фойдаланишга топширилди. Кенг майдонда бунёд этилган мазкур мажмуа қурилишига 800 миллион сўм маблағ сарфланган бўлиб, у икки қаватдан иборат. Супермаркетнинг фаолият бошлаши билан 41 та янги иш ўрни яратилади.

• Жиззах вилояти Арнасой туманида болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг биноси тўлиқ қайта реконструкция қилинди. Бу ишларга Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1 миллиард 751 миллион сўм сарфланди. Иншоотни реконструкция қилишда мавжуд бинога қўшимча замонавий спорт зали ва бошқа ёрдамчи хоналар қурилиб, муассасанинг фойдаланиш қуввати сезиларли даражада оширилди. Илгари спортнинг беш тури бўйича машғулотлар ўтказилган бўлса, эндиликда улар саккизтага етди.

ЖАҲОНДА

• Индонезия шимолидаги Сулавеси оролида юз берган кучли сув тошқинлари натижасида 16 киши ҳалок бўлди, 40 мингдан ортиқ аҳоли ҳавфсиз жойларга қўчирилди. Шу муносабат билан оролда икки ҳафта муддатга фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

• Германиянинг «Фольксваген» автомобилсозлик компанияси янги йирик лойиҳага қўл ургани ҳолда беш йил мобайнида Шимолий Америкада ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун 7 миллиард АҚШ доллари миқдориди маблағ йўналтиради. Ушбу сармоя ҳар қандай мураккаб йўлларда ҳаракатланишга мослаштирилган автомобилларни йиғишга сарфланади. Яъни, 2016 йилдан шундай русумдаги етти ўринли дастлабки машиналар ишлаб чиқарила бошланади.

• Мексика жанубида камида ичида 10 минг литр газ бўлган цистернанинг портлаши натижасида 6 киши жабрланди, 12 та уй вайрон бўлди.

16 январь кун Иқтисод Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар бир қатор қонун лойиҳаларини иккинчи ва биринчи ўқишда кўриб чиқдилар. Жумладан, янги тахрирдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, шунингдек, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳалари иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мажлисида таъкидландики, янги тахрирдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ушбу қонуннинг амалдаги нормаларини аниқлаштириш асосида мамлакатимизда корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантиришга, акциядорларнинг ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлашга, акциядорлик жамиятлари бошқарув ва назорат органларининг роли ва аҳамиятини оширишга, шунингдек, акциядорлик жамиятларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишни кенгайтиришга кўмаклашади.

Шу билан бир қаторда, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши акциядорлик жамиятларини ташкил этиш масалаларини аниқроқ тартибга солиш, уларнинг устав фонднинг шакллантириш, қимматли қоғозларнинг бозор қийматини аниқлаш, акцияларни оммавий тақлиф этиш орқали жамиятлар акцияларини жойлаштириш, замонавий корпоратив бошқарув усуллари жорий этиш йўли билан корпоратив муносабатларни янада ривожлантиришга кўмаклашади. Бошқа тарафдан ҳужжатда акциядорларнинг, айниқса, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқий ҳимоя қилинганлигини ошириш масалаларига, жумладан, жамиятни бошқаришда уларнинг иштирок этиш механизмининг аниқроқ белгиланган, бундай акциядорларнинг манфаатларини ифодаловчи махсус органи ташкил этишга етарлича эътибор қаратилди.

Бошқа янгиликлар орасидан тузилишдан манфаатдорлик бўлган битимлар тўғрисидаги ахборотни ошқор қилишга доир талабларни белгиланган ҳада мустақил аудиторилик ташкилоти томонидан бундай битимларни олдиндан ўрганиб, қўзғатув кенгаши ёки акциядорларнинг талаби бўйича тегишли ҳулосаларни тақдим этган ҳолда акциядорлик жамиятлари томонидан битимлар тузиш шаффофлигини оширишнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишини қайд этиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Парламент аъзолари янги тахрирдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинганлиги муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси айрим ҳуқуқий нормаларни қонун ҳужжатларига янги киритилган тузатишларга мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилганлигини қайд этдилар. Бунда Фуқаролик кодексига, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги ва бошқа қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмокда.

Шунингдек, депутатлар корпуси тижорат сирини ташкил этувчи ахборотдан ноконуний фойдаланишнинг олдини олиш орқали ҳўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатлари ҳимоя қилинганлигини таъминлаш борадидаги ҳуқуқларини рўёбга чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган «Тижорат сирини тўғрисида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқишга ва ҳар томонлама муҳокама этишга алоҳида эътибор қаратди.

Бугунги кунда қонун ҳужжатларининг махфий ахборот ва тижорат сирига оид нормаларга тааллуқли қоғозлар бир қатор норматив ҳужжатларда мавжуд. Шу билан бирга, ислохотлар ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги изчил ошиб бораётганлиги тижорат ахборотини ҳимоя қилиш институтининг мазмун-моҳиятига ягона ҳуқуқий ёндашувлар бўлишини, уларни қонун ҳужжатларида бир хилда акс эттириш масаласини кун тартибига қўйди.

Шу муносабат билан «Тижорат сирини тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ахборотни тижорат сирини тоифасига киритиш, уни тизимлаштириш ва тақдим этиш масалаларини қонунчилик йўли билан тартибга солишни таъминлашга хизмат қилиши кераклиги таъкидланди. Бундай ёндашув бозорда рақобатлашиш шароитларида, айниқса, рақобат инсофсиз хусусиятга эга бўлган ҳолларда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатлари ҳуқуқий жиҳатдан ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш муҳим эканлиги билан изоҳланиши таъкидланди.

Қонун лойиҳасининг муносабатларини ҳимоя қилишда қўлланган нормалар сонини камайтиришдан иборатдир. Қонун лойиҳасининг батафсил мазмун-моҳияти ҳўжалик юритувчи субъектлар, давлат ижро этувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари учун унинг қўлланлиши қулайлигини ҳамда бир хилда тушунилишини таъминлайди.

Депутатлар мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ушбу муносабатларни самарали тарзда норматив жиҳатдан тартибга солиш, шу жумладан, фуқаролик-ҳуқуқий йўл билан тартибга солиш орқали тижорат сирини эгаларининг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш чора-тадбирлари тизимини яратишга кўмаклашишини қайд этдилар. Тижорат сирини эгаларининг ҳуқуқларини бекор қилиш асослари, шартлари ва чегараларини мустаҳкамлаш, уларнинг тартиб-таомилини тартибга солиш ушбу ҳуқуқнинг дахлсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси барча кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг ахборот хизмати

ҚИСКА САТРАПДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Олмазор туманидаги «Оникс» очик акциядорлик жамиятида Президентимизнинг

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасининг тарғиботида бағишланган давра суҳбати уюштирилди.

✓ **БУГУН** Яққасарой туман ҳокимлигида Тошкент шаҳар Маънавият ва маърифат Кенгаши ташаббуси билан «Китоб байрами» тадбири ташкил этилди.

✓ **БУГУН** Мирзо Улуғбек технология касб-хунар коллежиди «Мард ўғлонлар» мавзусида кўрик-танлов бўлиб ўтди.

ХАЛҚИМИЗ ОСОЙИШТАЛИГИНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барча талабаларга жавоб берадиган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукамал, замонавий қурол-яроғ ва техникага эга миллий армиямизни барпо этиш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Бунинг самараси ўлароқ бугун ҳарбий зиммат нафақат бурч, балки садоқат, матонат ва жасорат мактабига, том маънодаги шарафли ишга, миллий армиямиз юртимиз ҳудудий яхлитлиги ва халқимиз осойишталигининг ишончли кафолатига айланди.

Тошкент Автомобиль-йўллар институти маданият саройида ўтказилган «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч» мавзусидаги байрам тадбирида ҳам шу ҳақда фикр юритилди, миллий армия — тинчлик ва осойишталик ҳимояси кафолати, ҳушёрлиқни сақлаш, касбий маҳоратни ошириш — ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчи эканлиги алоҳида қайд этилди.

Унда ҳарбий хизматчилар, муддатли ҳарбий хизматни тугатган талабалар, соҳа фахрийлари ва профессор-ўқитувчилар иштирок этди.

Тадбирда Республикамиз Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, турли спорт мусобақаларида голибликни қўлга киритган ва жамоат ишларида бошқаларга ўрнак бўлаётган профессор-ўқитувчи ва талабалар институт раҳбарияти томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ёшларнинг Ватан ҳимоясига, муддатли ҳарбий хизматга бўлган қизиқиши, огоҳлик ва ҳушёрлиқни оширишга қаратилган байрам дастурлари, учрашувлар, давра суҳбатлари давом этиб, Ҳарбий ватанпарварлик ойлиги давомида гуруҳларда ватанпарварлик мавзусидаги «Жасур» ҳамда «Қўроғош» номли фильмлар намойишлари ташкил этилди.

Даврон НУРМАТОВ

Олмазор туманидаги «Ниҳол» маҳалла фуқаролар йиғинида Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасининг мазмун-моҳияти тарғиботига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ЭНГ АСОСИЙ ҲУЖЖАТ

Тадбирда сўзга чиққанлар ҳуқуқий давлатнинг ҳимояси ҳам, қалқони ҳам қонун ҳисобланишини, жамият ҳаётидаги энг асосий ҳужжат Конституция эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

— Ҳақиқатан ҳам 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямиз Ўзбекистон тарихида узоқ келажакка мўлжалланган мақсад ва вазифаларимизни аниқ белгилаб беришда ўзининг пухта ўйланган тамойил ва қоидалари билан ишончли ва ҳал қилувчи омил бўлди, деб таъкидлашга барча асослари-

миз бор, — дейди Маънавият тарғибот маркази Олмазор туман бўлими раҳбари Муаззам Алибоева. — Давлатимиз раҳбарининг Конституция байрамига бағишланган тантанали маросимдаги «Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш — ёрғу келажагимизнинг асосий омилдир» маърузасида ҳам Конституциямизнинг ҳаётимиздаги ўрни, унинг улкан аҳамияти ўз аксини топган.

Президентимиз томонидан 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб

эълон қилиниши аёлининг, оиланинг юртимизда эъзолашиши, соғлом ва баркамол авлод Ўзбекистоннинг келажаги эканлигини даволатдир. Айни пайтда маърузада билдирилган фикрлар барчамизга янгидан-янги вазифаларни юклайди.

Ҳар йили фуқаролар, айниқса, ёшлар ўртасида Асосий Қонуни-мизнинг мазмун-моҳияти, шу асосда яратилаётган қонунлар ҳамда уларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги аҳамиятини тушунтириш юзасидан тадбирлар ўтказиб келинади.

Ушбу тадбирда ҳам «Ниҳол» маҳалласи фуқаролар йиғини вакиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳиятини аҳоли орасида кенг тарғиб қилишга қилишиб олишди.

Зарина РУСТАМОВА

Таълим

УСЛУБИЙ СЕМИНАР

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида услубий семинар бўлиб ўтди.

Унда талабалар билан ишлашда гуруҳ раҳбарининг ўрни ва роли муҳокама қилинди. Семинарда иштирок этган ўқитувчилар талабаларнинг маънавий, ҳуқуқий тарбиясини шакллантиришда педагогларнинг, хусусан гуруҳ раҳбарининг роли қандай бўлиши кераклиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Семинар қатнашчиларининг фикрича, талабанинг маънан етук, баркамол, билимли

шахс бўлиб юксалишида айнан педагогларнинг ўрни беқийс. Агар ўқитувчининг билими саёз, ўзи маънавий жиҳатдан қолоқ бўлар экан, унда талаба ҳам чуқур билим эгаси бўла олмайди.

Семинар якунида педагоглар бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар режасини белгилаб олишди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

«SELVEDGE» ЖУРНАЛИ ЎЗБЕК ИПАК МАТОЛАРИ ТАЙЁРЛАНИШИНИНГ НОЁБ АНЪАНАЛАРИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Уларни тайёрлашнинг сирини муайян ранг берилишида ипакли иплар ўрамини босқичма-босқич бўйиннинг ўзига хос усулда» деб ёзади у.

Муаллиф мақолада муқтадирлик йилларида Ўзбекистонда тўқимачилик саноати жадал ривожланишда бўлган ва ҳорийий мамлакатларда аниқанавор ўзбек матоларига бўлган қизиқиш ортганини алоҳида қайд этади. Ф.Воткиннинг таъкидлашича, бундан Британия Кенгашининг ташаббуси билан тузилган махсус лойиҳа доирасида ушбу ташкилотнинг Маргилондаги ипак ва яримипак матолар ишлаб чиқариш «Едгорлик» фабрикаси билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Махсус лойиҳада кўзда тутилганидек, янги дизайнлар ишлаб чиқиш, бўёқ моддалари ранг-баранглигини ошириш, ипак ишлаб чиқариш ва маҳсулотларнинг бозорларда сотилиши юзасидан янги маркетинг стратегиясини танлаш бўйича беш йил давомида фабрикага кўмак кўрсатилди.

«Selvedge» журналининг маълум қилишича, кўзланган асосий вазифа юзасидан, яъни

ўзбек хунармандларининг ноёб маҳоратини британиялик дизайнерларнинг замонавий услуби билан уйғунлаштиришга муваффақ бўлишнинг ушбу дастурининг энг катта ютуғи ҳисобланади. «Бунинг самараси ўлароқ, турфа хил ипак шарфлар ишлаб чиқаришга эришилди ва улар Ўзбекистонга келатган хорижий сайёҳлар севиб харид қиладиган маҳсулотга айланди. Янгича дизайн ҳамда рангларнинг жиловли хориждаги кийим-кечак ва хонадонлар учун ички безак буюмлари ишлаб чиқарувчиларнинг, хусусан, Италиядаги машхур «Gucci» компанияси вакиллари билан эътиборини тортиди.

Муаллиф мақола якунида ўзбекистонлик шериклар билан халигача ўзаро яқин алоқада эканлигини ҳам маълум қилган. Ф.Воткинс ақбанд ва бошқа тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлашнинг ноёб аънавалари ҳамда Ўзбекистон халқ амалии санъати усталари билан муваффақиятли ҳамкорлик тажрибаси ҳақидаги ўз чиқишлари орқали дунёнинг кўпгина мамлакатларида ўтказиладиган турли тадбирларда тез-тез қатнашиб туради.

«Жаҳон» АА.
Лондон

Чилонзор туманидаги 1-Тошкент педагогика коллежида «Аскар оналарининг шарафлаймиз» номли тадбир ўтказилди.

ЮРТИМИЗ ТАЯНЧИ

Туман ҳокимлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Чилонзор туманидан ҳарбий хизматга чақирилган йигитларнинг она-оналари, ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг маънавиятчи ходимлари, тумандаги «Баркамол авлод» болалар маркази вакиллари иштирок этди.

Таниқли хонанда Жасур Умиров, Фарход ва Ширин ҳамда тумандаги «Баркамол авлод» болалар маркази қошида ташкил этилган «Ширин қизлар» рақс дастаси ўзларининг дилтортар куй-қўшиқ ва жозибали рақслари билан тадбир қатнашчиларини хушнуд этишди.

— Ватан ҳимояси доимо энг шарафли ва олижаноб вазифалардан бири бўлиб, бу бурчни адо этиш йигитларнинг, юртимиз ўғлонларининг она диёри-

мизга бўлган меҳр-муҳаббатини амалда намоён этишдек муқаддас истаги, — дейди коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Мухиддин Тошев. — Бугун армиямиз сафарида салоҳиятли, ҳар жабҳада фаол ёшлар хизмат қилмоқда. Юртимизнинг барча академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг ҳарбийлик касбига қизиқиши тобора ортаётгани сир эмас. Тадбир якунида айнаи дамда миллий армиямиз сафарида ўзининг конституциявий бурчларини адо этаётган оддий аскарларнинг оналари туман ҳокимлиги томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
ЎЗДЖТУ Халқаро журналистика факультети талабаси



ЁШЛАР ИЖОДИЙ ИШЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Мирзо Улуғбек тумани «Баркамол авлод» болалар марказида «Қишқи таътилдаги орзуим», «Менинг тасаввуримдаги Қорбобо ва Қорқиз» мавзусида кўргазмалар ўтказилди.

Ушбу қизиқарли кўрикда марказнинг «Тасвирий санъат», «Ёш мусаввир» тўғарақлари аъзолари иштирок этди. Кўргазманинг янада жонли ўтиши учун туман мактабларининг ўқувчилари ҳам жалб этилди. Тимурбек Ибрагимов, Алишер Раҳматов ва Александр Кириклар томонидан чизилган расмлар энг чиройли ижодий ишлар деб топилди ва ушбу иқтидорли ёшлар ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлик, эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Шоира ЖАББОРОВА,
Мирзо Улуғбек тумани «Баркамол авлод» болалар маркази директори

О'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан Бош битим доирасида Ўзбекистон Фермерлар кенгаши ҳамда Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси билан ҳамкорликда «Мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ҳамда турларини кенгайтириш бўйича манзилли дастурларнинг ижроси: эришилган натижалар ва навбатдаги вазифалар» мавзусидаги амалий семинар ташкил этилди.

Семинарлар

МАНЗИЛЛИ ДАСТУРЛАР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Халқ депутатлари Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи, Тошкент вилояти ва шаҳар ҳокимликлари, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Марказий банк ва соҳарат банклари, сугурта компаниялари вакиллари, соҳа оид мутахассис ва экспертлар, тадбиркор ва фермерлар иштирок этишди.

Тадбирда Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси раиси Асатилла Салимов сўзга чиқиб, мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва турларини кенгайтиришнинг 2013 йилга мўлжалланган Худудий дастурлари ижросини тўлақонли таъминлаш ҳамда лойиҳа ташаббускорларига амалий ёрдам кўрсатиш ва олиб бориладиган жамоатчилик назорати якунлари тўғрисида тўхталиб ўтди.

— Бугун дунёда давом этаётган молиявий инқироз аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш соҳасини энг долзарб масалага айлантирмоқда. Баъзи ривожланган давлатларда ҳам озиқ-овқат маҳсулотларининг баҳоси йилига ўртача 25-30 фоизга ортиб бормоқда, — деди С.Салимов. — Республикада тадбиркорлар учун яратилаётган шарт-шароитлар, хорижий инвесторлар учун белгиланган имтиёзлар, шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлиги борасидаги ишларни кенг кўламада олиб бориш улар баҳосининг барқарор бўлишини таъминламоқда.

Паррандачилик, чорвачилик, асаларичилик, балиқчилик каби йўналишдаги амалга оширилган ишлар натижасида халқимизга етарли миқдорда ва паст нарх-

ларда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Республикада озиқ-овқат саноатини ривожлантириш борасида яратилган имкониятлар туфайли озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш кундан-кунга ортиб бормоқда.

Тадбирда қайд этилганидек, умуман олганда 2013 йилда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кенгайтириш бўйича жами 1545 та лойиҳа амалга оширилди, улар доирасида 17463 иш ўрни ташкил этилди, 307 млн. 918 АҚШ доллари ўзлаштирилди.

389 та қўп тармоқли фермер ҳўжаликлари негизда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш қўватлари яратилди.

Гўшт-сут ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида 310 та янги корхоналар ташкил этилди, 235 та корхоналарда модернизация ва техник қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилди.

Тадбир якунлари бўйича иштирокчилар қайта ишлаш саноатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улушини ошириш, қўп тармоқли фермер ҳўжаликларининг ишлаб чиқариш инфратузилмаси яратилишини рағбатлантириш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экспортга чиқариш учун қайта ишлаш бўйича қатор амалий тақлифларни ишлаб чиқаришди. Тадбир давомида фермерлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан инновацион технологиялар, энергия тежовчи манбалари қўлланилиши даражасини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Анвар ҚОБИЛОВ

Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

ШАЙХОНТОХУР ТУМАНИДА 2014 ЙИЛДА ҲАҚ ТЎЛАНДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда; 5-сон, 124-модда; 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда; 2001 й., 5-сон, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 25-26-сон, 225-модда; 2009 й., 52-сон, 553-модда) 17-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги «Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги (Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 й., 7-сон, 40-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 5-6-сон, 46-модда) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 353-сон қарори ижросини таъминлаш, иш қидираётган шахс сифатида туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида рўйхатга олинган фуқароларга уларнинг вақтинча иш ҳақи олиши ва иш қидираётган даврида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, марказ томонидан «ишсиз» деб эътироф этилган фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, биринчи марта иш қидираётган ва касби бўлмаган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Шайхонтоҳур туманида 2014 йил учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона ва ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

2. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона, ташкилотлар раҳбарларига:

иловада қайд этилган ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш таъминлансин;

жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарашли корхона ва ташкилотлар бўйича 50 фоизи иш берувчилар маблағлари ва 50 фоизи маҳаллий бюджет ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан;

бошқа корхона ва ташкилотлар бўйича 75 фоизи иш берувчилар маблағлари ҳисобидан, 25 фоизи иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин;

туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази йўлланмаси бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган фуқароларнинг жамоат ишига қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумот 3 кунлик муддатда марказга ёзма равишда хабар қилинсин.

3. Туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (А.Маматов):

корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорнинг тўлиқ бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган ва иш билан таъминланган фуқаролар белгиланган тартибда ҳисобга олинсин.

4. Шайхонтоҳур туман ҳокимининг 2013 йил 13 февралдаги «Шайхонтоҳур туманида 2013 йилда ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги 57-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирилади.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Шайхонтоҳур туман ҳокимининг ўринбосари К.Захидов зиммасига юклансин.

Шайхонтоҳур туман ҳокими
М.Мирқосимов

2014 йил 9 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

ТЕЛЕДАСТУРЛАР

09.05 «Жить здорово!»

09.05 - Жить здорово!
10.05 Модный приговор
11.15, 03.20 Контрольная за
купка
11.50 -Время обедать!
12.25 "Доброго здравияча!"
13.00 Другие новости
13.05 -Почас. Простыть.
14.15, 17.45 -Истина где-то ря
дом!
14.30 -Они и мы!
15.20 -В наше время!
16.10 "Наедине со всеми!"
17.00 Вечерние новости
17.05 -Полный покой!
19.00, 02.25 -Пусть говорят!
20.00 -Время!
20.30 Серил -Идеальный брак!
22.15 Ночные новости
22.25 -Политика!
23.25 Худ. фильм -Появляется
Дэдвуд!
00.50, 02.05 Худ. фильм -Два
стрелы. Детектив каменного
века!"

Россия

3.00 «Утро России»
7.00 «Кто не пускает нас на Марс?»
7.55 «О самом главном»
9.00 Вести
9.30 Местное время. Вести-Москва

ЧОРШАНБА, 22

13.00 «Женское счастье»
14.00 Т/С «Пока страна спит»
15.00 Вести
16.00 Местное время. Вести
Москва
15.30 Т/С «Шеф полиции»
16.30 «Прямой эфир»
17.40 Местное время. Вести
Москва
18.00 Вести
18.50 «Спокойной ночи, малыши»
19.30 Т/С «Две зимы и три лета»
22.30 «Вы отточили или клинчили?»
Драма воcкpешeния
23.30 «Честный детектив»
0.05 Т/С «Визит к Минотавру»
1.45 «Комната слеха»
2.45 Вести. Дежурная часть

НТВ

4.00 «НТВ утром»
6.40 Т/С «Возвращение Мухоморова»
8.00 «Сегодня»
8.20 Т/С «Возвращение Мухоморова»

20.35 «Евро
21.25 АНОН

11.00 «Сегодня»
11.25 «Судриславские. Оконча-
тельный вердикт»
12.35 «Дело врачей»
13.30 Обзор. Чрезвычайно
происшествие
14.00 «Сегодня»
14.25 «Прокурорская провер-
ка»
15.40 «Говорим и показыва-
ем»
16.30 Обзор. Чрезвычайно
происшествие
17.00 «Сегодня»
17.30 Т/С «Ментовские войны»
21.15 «Сегодня»
21.35 Т/С «Шаман»
23.35 Квартирный вопрос
0.35 Дилет мир
1.05 Т/С «Улицы разбитых фона-

22.30 «Пойтахт». /Рус тили

10.05 Модный приговор
11.15 03.20 Контрольная за-
купка
11.50 - Времена обедать!
12.25 - Доброго здравствуй-
те!
13.00 Другие новости
14.00 Понять и простить
14.15, 17.45 - Истина где-то
дома
14.30 - Они и мы
15.20 - В наше время
16.10 - Неудине со всеми!
16.40 - Вечерние новости
18.00 - Давай поженимся!
19.00, 22.25 - Пусть говорят
20.00 - Время
20.30 Серил - Идеальный бра-
т
21.15 - Новое кино
22.25 На ночь глядя
23.15 Худ. фильм «Кто стучит-
ся в дверь ко мне...»
00.45, 02.05 Худ. фильм - Мы
вами где-то встречались!

Россия

3.00 «Утро России»
3.00 - Космический кампазе-
ж
Угол атаки Георгий Бергадзе

Россия

9.30 Местное время. Вести-мос
9.50 Вести. Дежурная часть
10.00 Т/с «Тайны следствия»
11.00 «Особый случай»
12.00 Вести
12.30 Местное время. Вести-мос
13.00 Вести. Дежурная часть
13.30 «Женские счастье»
14.00 Т/с «Пока станция спит»
15.00 Вести
15.10 Местное время. Вести-мос
15.30 Т/с «Шеф полиции»
16.00 «Прямой эфир»
16.30 Местное время. Вести-мос
18.00 Вести
18.50 «Спокойной ночи, малыши»
19.30 Т/с «Две зимы и три лета»
20.00 «Почтук»
22.25 «Убийцы из космоса»
23.00 Т/с «Визит к Минотавру»
1.05 Т/с «Закон и порядок-18»
2.00 «Комната смеха»

НТВ

4.00 «НТВ утром»
6.05 Спасатели
9.05 «Медицинские тайны»
7.40 Т/с «Возвращения»

ПАЙШАНБА, 23

8.55 «До суда»
9.55 Суд присяжных
11.00 «Сегодня»
11.25 Суд присяжных. Окончательный вердикт
12.35 «Дело врачей»
13.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие
14.00 «Сегодня»
14.25 «Прокурорская проверка»
15.40 «Говорим и показываем»
16.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие
17.00 «Сегодня»
17.30 Т/с «Ментовские войны»
21.15 «Сегодня»
21.35 Т/с «Шаман»
23.35 «Дачный ответ»
0.35 Дикий мир
1.05 Т/с «Улицы разбитых фонарей»

20.00 АНОН
20.05 «Халк»

- 11.00 «Сегодня»
- 11.25 «Суд присяжных. Окончательный вердикт»
- 12.35 «Дело врачей»
- 13.30 Обзор. Чрезвычайно происшествие
- 14.00 «Сегодня»
- 14.25 «Прокурорская проверка»
- 15.40 «Говорим и показываем»
- 16.30 Обзор. Чрезвычайно происшествие
- 17.00 «Сегодня»
- 17.30 Т/с «Ментовские войны»
- 21.15 «Сегодня»
- 23.15 Т/с «Шаман»
- 23.35 «Дачный ответ»
- 0.35 Дикий мир
- 1.05 Т/с «Улицы разбитых фонарей»

(Давоми 4-бетда)

